

---

## 18-сентябрь - "Бутунжаҳон тозалик куни"

Эрта тонгдан шаҳримиз кўчалари юртимиз ободлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга чоғланган инсонлар билан тўлди.

Сана муносабати билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими экологик барқарорликни сақлашда муносиб меҳнат қилиб келаётган шаҳар Ободонлаштириш бўлими ҳамда шаҳардаги санитар сервис корхоналарининг ишчи-ходимларининг хизматларини алоҳида эътироф этиб уларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Ҳудудларда озодалик ва саришталикни шиор қилган кўнгилли ҳамшаҳарларимиз ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этдилар.

Тозалик акцияси давомида ҳудудлардаги ариқлар чиқиндилардан тўлиқ тозаланди, жойларда турли мевали ва манзарали дарахтлар оқланди, кабристонларда тозалаш ишлари олиб борилди.

Аслини олганда тозаликни таъминлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Шундай экан, бу каби амаллар нафақат, йилнинг айнан бир кунида, балки ҳар куни бажарилиши лозим.

Шундагина биз яшаётган сайёрада тозалик, озодалик, покизалик ҳукм суради.

2021-09-18 17:59:49